



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 7 июнь, № 111 (5531)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК Тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади



Пекин, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитойга келди.

Учрашув якунида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоландилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, ветеринария, карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, икки мамлакат тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоландилар.

Куннинг иккинчи ярмида Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирокида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Унда ШХТ олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш борасида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самардорлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

ШХТ Саммити 7 июнь кунини ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

Сарвор ҲАМИДОВ олган сурат.

Ташрифнинг иккинчи кунини Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарининг расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислон

Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама

ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоландилар.

Эътироф

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида изчил амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шу жумладан, болалар ва ёшлар ўртасида ташкил этилаётган қатор йирик спорт мусобақалари хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Ўзбекистон спортининг тараққиёти хорижликлар нигоҳида

Хусусан, Навоий шаҳрида ўтказилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари — 2012” республика спорт ўйинлари якунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур мусобақа катнашчиларига мурожаати ҳали-ҳамон республикамиз ва чет эл жамоатчилигининг диққат-эътиборида турибди.

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Руперт Жой “Ўзбекистон ҳукумати ёшлар орасида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга салмоқли моливий маблағларни сарфлаётган”, дея қайд этди.

Хорижлик дипломатининг фикрича, “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари келажақда Олимпия шухратини келтириши ва мамлакат спорт оламининг гурурига айланиши мумкин бўлган ёш спортчилар учун “парвоз майдони”дир.

“Буюк Британия ҳам йирик спорт мусобақалари ёшлар учун муҳим илҳом манбаи ҳисобланади, деган тугал ишонч бор. Ўзбекистондаги каби жорий йилда Британиянинг 13 мингта мактабда тахсил кўрадиган ёшлар ҳам мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган спорт ўйинларида катнашадилар. Биз мазкур ўйинлар ёрдамида имкон қадар кўпроқ ёшлар қалбида спортга муҳаббат уйғотиш истагида бўлганимиз баробарида, ушбу тадбирлар орқали Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги ёшларни ҳам спортга жалб этишга интилоқдамиз. Ана шундай ташаббуслардан бири — “Илҳом” халқаро дастури бўлиб, у дунёнинг 20 мамлакатидан 12 миллиондан ортиқ болалар учун спорт тадбирларида катнашиш ва жисмоний жиҳатдан чиқиқши имкониятини яратади”, деди Р. Жой.

Элчи Лондонда бўлиб ўтаётган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси кўлга киритадиган медаллар аввалтадан ҳам кўп бўлишига амин эканлигини изҳор этди. “Ўзбекистон Президентининг “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари катнашчиларига йўллаган табригида ана шундай эзгу тилак ўз

ифодасини топган. Мен Ўзбекистонлик спортчилар билан учрашган чоғларимда уларнинг Олимпия ўйинларида тайёргарлик кўриши доирасида қандай улкан ишлар амалга оширилаётганига бир неча мартаба гувоҳ бўлдим. 50 нафардан ортиқ ўзбекистонлик спортчи энгил ва оғир атлетика, кураш, бокс, дзюдо, таэквондо, эшак эшиш, сузиш, велоспорт, теннис ва қиличбозлик каби спортнинг 16 тури бўйича юксак мукофотларга эришиш учун Лондонга йўланмани кўлга киритганликларини ҳисобга олган ҳолда, шунини ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон олимпиядачилари мазкур ўйинларда жуда яхши натижаларни кўрсатиш учун барча имкониятга эгадир. Биз уларга омад тилаймиз”, дея таъкидлади хорижлик дипломат.

Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари бўйича эксперт, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Со Гон И юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ва Жанубий Корея элчиси сифатида мамлакатимизда фаолият юритган даврда шахсан ўзи гувоҳ бўлган муваффақиятларидан ҳамон қувонишини билдирди.

“Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, болалар спортини янада тараққий топтириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт инфратузилмасини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг бари болаларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустақамлашга хизмат қилади”, деди у.

Экспертнинг фикрича, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада сингари ёшларнинг спортга жалб этишининг уч босқичли ўзига хос тизими Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўлини ҳисобланади, буни бошқа мамлакатларда учратмайсиз. У Болалар спортини ривожлантириш жағмармасининг тузилишини ва спортни ёшлар орасида оммалаштиришнинг бундай ўзига хос тизимини юқори баҳолади.

(Давоми 2-бетда).

Телекоммуникация

Бугунги глобаллашув даврида замонавий алоқа ҳамда ахборот технологияларига талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётган. Шундан келиб чиқиб, барча соҳаларга илгор технологиялар кенг жорий этилмоқда. Илгари оддий телефон алоқаси етиб бормиган олис ва чекка қишлоқларда эндиликда аҳоли мобил телефон, интернет ва замонавий рақамли телевидение имкониятларидан тўлиқ фойдаланаяпти.

Технологик янгиланишлар самараси

Қашқадарё вилоятида ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кўлами кенг. Хусусан, утган йили Шаҳрисабз туманидаги “Хисорак” ва Деҳқонобод туманидаги “Дуб” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “УзМобайл” филиали томонидан 2 та қўшимча “CDMA-450” замонавий база станцияси ишга туширилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясини телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, вилоятнинг 13 та ҳудудида “Huawei” компаниясининг “С808” русумидаги замонавий рақамли телефон станциялари фаолияти йўлга қўйилди. Реконструкция қилинган мавжуд аналог АТС-лар электрон автомат телефон станциялари билан алмаштирилди. Шунингдек, рақамли станцияларни ўзаро боғловчи оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

Эътиборлиси, ҳозирги кунда вилоят аҳолиси телефон сўзлашувларини тўлиқ рақамли тизим орқали амалга оширмоқда. Ўз навбатида, технологик янгиланишлар қишлоқ жойларда интернет ва бошқа замонавий хизмат турларининг кенг оммалашишига асос бўлаётган. Дарвоқе, бундай истиқ-

болли лойиҳалар таълим тизимида ҳам самарали татбиқ этилмоқда. Пировардида ўқув муассасаларида ўқитиш сифати тубдан яхшиланиб, ёшларнинг илгор технологиялар асосида билим олиши учун кенг имконият яратилаётган. Масалан, бугун турли таълим масканлари педагог-ўқитувчилари ҳамда ўқувчи ва талабалари видеоалоқа воситасида ўзаро мулоқот қилишлари, машғулотларда иштирок этишлари, баҳмунзорлар олиб боришлари мумкин. Бундай замонавий қулайлик масофавий таълим тизимининг тараққий этишига хизмат қилаётган. Мазкур йўналишдаги ишлар қамровини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида янги лойиҳа амалга оширилди. Шунга мувофиқ, “Электрон таълим” миллий тармоғи (масофавий таълим)ни ташкил қилиш мақсадида 11 километр масофага оптик толали алоқа кабелли ётқизилди. Натижада Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда Ташкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ўртасида видеоконференция хизматлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Идоралараро кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурси маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар

ижроси таъминланиши ҳолати кўриб чиқилди. Барча ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхона электрон маълумотлар базасига киритиш имкониятини яратиш орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб

фойдаланиш, таълим муассасалари ҳамда ҳудудлар даражасидаги китобхоналарга хизмат кўрсатишининг теъдори ва сифатини ошириш масалалари атрофида муҳокама этилди. Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларини эгаллаш ва қўллаш асосида кўрсатиладиган турли хизматлар хажминини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, доимий равишда малакасини ошириш борис вазифалари белгилаб олинди.

Тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга босма нашрларни, қўлёзма ва график ҳужжатларни, аҳолида мавжуд нодир нашр ва қўлёзмаларни сақлаш ҳамда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаси ба тафсил муҳокама қилинди. Улар сонини кўпайтириш ҳамда кенг фойдаланиш учун мукамал шароитлар яратиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ифодаси

Жиззах шаҳрида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбир

Республика Байналмилал маданият маркази, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда миллий маданият марказлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда миллат-

лараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити барқарор. Буни Жиззах вилоятида 70 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари оға-инидек ахил ва ҳамжиҳатликда умргузaronлик қилиб келаётганлиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу борада, албатта, миллий маданий марказлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мам-

лакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Жиззахда ҳам бу борада кўплаб хайрли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. — Мен тинч ва осойишта, барча миллатлар учун бирдек имкониятлар яратишга ҳамда яшаётганимдан фахрланаман, — дейди Пахтакор туманидаги 31-сонли махсус мактаб-интернат директори Ольга

Хван. — Вилоятдаги барча байрам ва тадбирларда миллий маданий марказимиз аъзолари ўзларининг бадиий дастурлари ва кўргазмалари билан фаол иштирок этиб келади. Тадбирда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камолга етказиш, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда миллий маданият марказларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси маблағлари ҳисобидан қарийб

1500 та замонавий спорт объекти бунёд этилди.

Болалар спортини том маънода умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида барча шарт-шароитга эга бўлган спорт иншоотларини барпо қилиш ишларининг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб, республикамизнинг барча ҳудуд ва минтақалари, шаҳар ва қишлоқлари қамраб олинди.



БИР РАҚАМ ШАҲРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲОКИМЛИКЛАРИ, ВАЗИРЛИКЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ректорати 2011/2012 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади.

Шу муносабат билан битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган муассаса, ташкилот ва корхонангизда эҳтиёж мавжуд бўлса, университет Мониторинг, маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳри миқёсида университетни тугатган юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни қуйидаги жадвалда сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз.

БАКАЛАВРИАТ

Т/Р	Йўналишлар номи	Шу жумладан, вилоятлар бўйича																															
		Битирувчиларнинг умумий сони		Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сони		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сирдарё		Тошкент вил.		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Тошкент ш.	
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
1.	Дизайн	10	13	0	1																											10	12
2	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	11	49	6	22	1				1	3	2	1									1										5	27
3	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	7	21	5	17																											4	4
4	Металлургия	29	43	23	39					4	1	1	1																			2	4
5	Кончилик иши	36	61	32	59					4	1	5	5																			4	2
6	Қаттиқ фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси	10	16	9	13					2	4	4	5																			3	3
7	Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари	9	15	7	13					2	2	2	2																			2	2
8	Гидрогеология ва муҳандислик геологияси	9	14	6	9					1	2	2	2																			5	5
9	Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси	9	13	8	11					1	2	1	1																			2	2
10	Кончилик электр механикаси	18	27	17	25					4	1	2	3																			2	2
11	Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)	7	24	5	12					2	2	2	1																			12	12
12	Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси	9	17	7	15	2	3			1	3	1	1																			2	2
13	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	19	59	14	52	1	4			2	5	2	2																			7	7
14	Нефть ва газ қудуқларини бургилаш	18	36	13	32	2	7	1	1	2	4	2	4																			4	4
15	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	18	46	13	31	1	2			2	4	1	1																			15	15
16	Нефть-газ қувурлари, омборлари ва нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, жиҳозлари ва улардан фойдаланиш	10	31	9	23	1	1			2	2	2	2																			8	8
17	Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари	9	15	4	12					1	2	2	2																			3	3
18	Касб таълими: нефть ва газ иши	19	22	16	16	3	1			2	2	2	2																			6	6
19	Иссиқлик энергетикаси	28	81	20	40																											9	9
20	Электр энергетикаси (тармоқлар бўйича)	41	70	27	61	1	1			2	1	2	1																			14	14
21	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари	28	63	21	48	2	2			2	1	2	1																			15	15
22	Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича)	15	28	9	20					2	1	1	1																			8	8
23	Гидроэнергетика	9	16	7	11							2	2																			5	5
24	Касб таълими: электр энергетикаси	19	19	16	16					1	1	1	1																			3	3
25	Ер усти транспорт тизимлари	19	33	15	28																											4	4
26	Технологик машиналар ва жиҳозлар	15	22	14	18	1	1	1	1	1	1	2	1																			4	4
27	Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш	20	37	15	29					1	1	1	1																			8	8
28	Пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси	8	14	6	7																											7	7
29	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси	19	26	17	23					1	1	1	1																			3	3
30	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	9	14	6	9																											5	5
31	Сервис техника ва технологияси	9	22	9	21					1	1	1	1																			1	1
32	Энергетика машинасозлиги	10	12	10	12																												
33	Совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари	9	10	6	8																											2	2
34	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	7	11	3	7																											4	4
35	Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари	13	25	10	20																											5	5
36	Автоматлаштириш ва бошқарув	21	46	16	30																											16	16
37	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	9	15	7	11																											4	4
38	Электроника ва микроэлектроника	23	50	15	35					1	3	1	1																			15	15
39	Нанотехнология (тармоқлар бўйича)	9	8	7	6																											2	2
40	Асбобсозлик	14	32	4	22																											10	10
41	Биотибиёт муҳандислиги	11	9	7	5																											4	4
42	Махсулот сифати менежменти	9	12	4	6																											6	6
43	Метрология, стандартлаштириш ва сертифицилаштириш (тармоқлар бўйича)	20	31	12	14																											17	17
44	Радиотехника	18	29	13	15																											14	14
45	Ноанъанавий ва тикланадиган энергия манбалари	9	9	5	4																											5	5
46	Касб таълими: радиотехника	17	16	14	13																											3	3
47	Авиасозлик ва ракета-космик техникаси	9	23	6	15																											8	8
48	Учиш аппаратлари ва двигателларидан техник фойдаланиш	9	21	4	14																											7	7
49	Аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш	10	25	3	16																											9	9
50	Хаводаги ҳаракатни бошқариш	11	14	7	4																											10	10
	Жами:	734	1365	529	990	17	29	8	17	40	56	19	30	36	61	6	16	48	79	27	60	19	32	136	323	9	25	12	21	152	241	205	375

МАГИСТРАТУРА

1	Саноат дизайни	2	4																													1	4
2	Менежмент (саноат бўйича)	2	6																													1	5
3	Рудали ва нурда конлар геологияси, қидирув ишлари: металлогения	2	1	</																													

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалаларига эътибор муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Гўзаллик ва нафосат мезони

Айниқса, аёллар ўртасида спортни омаллаштириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш бериш борасида кўламини ҳамда аҳамиятини жиҳатидан муҳим ишлар бажарилаётди. Жорий йил бошида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз спортни мамлакат миқёсида омаллаштириш, уни умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида ўтган давр мобайнида тўлган тажрибалар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида атрафлича тўхталдилар. Қизларни спортга жалб этишнинг аҳамияти хусусида фикр юритиб, жумладан, айрим вилоятларнинг мазкур йўналишдаги кўрсаткичлари эътиборга молик эканини таъкидладилар. Шунлардан бири Хоразм вилоятидир.

Дарҳақиқат, воҳада аёллар спортини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг шу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари, турли спорт ўйинлари ташкил этиб келинаётди. Масалан, ўтган йили уюштирилган 485 дан ортиқ спорт мусобақаларида 59 мингдан зиёд хотин-қиз қатнашди. Уларнинг 54 минг нафардан зиёди қишлоқ аёлларидир.

Спорт мусобақалари иштирокчилари орасида уй бекалари, талаба-ёшлар, тадбиркорлар, маҳаллаликлар, фермерлар, ўқитувчи шифокорлар, хуллас, турли соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар бор. Уларнинг аксарияти энгил атлетика, синхрон сузиш, бадий гимнастика, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка каби жами 28 спорт тури бўйича ўз маҳоратларини мунтазам ошириб келишаётган диққатга сазовор.

Бугунги кунда Хоразмда 978 та жисмоний тарбия ва спорт жамоаси мавжуд бўлиб, машғулотларда 176 минг нафар хотин-қиз мунтазам иштирок этмоқда. Вилоятдаги 24 та стадион, 2627 та спорт майдончаси, 639 та спорт зали, 10 та сузиш ҳавзаси аҳоли, шу жумладан, аёлларни соғломлаштиришга хизмат қилаётти. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хўнар коллежларида фаолият кўрсатаётган 4055 та спорт тўғрисида 33 минг 700 нафар қиз қатнашаётди. Уларга 207 нафар аёл муррабий бириктирилган.

Давлат даражасидаги эътибор тўғрисида вилоятда бадий гимнастика ҳам жадвал ривожланмоқда. Барча туманларда ташкил қилинган мазкур спорт турига ихтисослаштирилган мар-

казларда 1700 дан зиёд қизлар нафис спорт тури билан шуғулланишапти. Кейинги икки йил ичида улар орасида 5 нафар спорт устаси, 17 нафар спорт усталигига номзод этишиб чиқди.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди Хонқа туманидаги Каттажирмиш қишлоғида истиқомат қилувчи Шукржон Маликова. — Қишлоқ мактабда ўқувчиман. Ишни ҳам, рўзгорни ҳам уддалаяпман. Булардан ортиб, спортга ҳам вақт топаёяман. Жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиш, аввало, соғлигимизга фойда. Қолаверса, турли мусобақаларда қатнашиб, иқтидоримизни намойиш қилишимиз, дугоналар орттиришимиз, шаҳару қишлоқларни бориб кўришимиз мумкин. Ўзимдан қиёс. Ҳозирги кунгача бир канча турнирларда иштирок этдим. Натижаларим ҳам яхшилаб бораётти. Энг муҳими, тану жоним соғ. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида айтган фикр-мулоҳазаларини

Жасурлик, қаққонлик, матонат ўзбек хотин-қизларига момоларимиздан мерос. Ишчан ходим, саршишали уй бекаси бўлган аёлларимизнинг у ёки бу спорт турига ҳавасманд бўлганига нима етсин. Мустаҳкам оила йилда уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани эса, албатта, ҳар биримизнинг қалбимизга гуруру ва ифтихор туйғусини бағишлаيدди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНТИЛИШ



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

Молия муассасалари истиқболи, шубҳасиз, мижозларга кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағларнинг қанчалик қафолатланганлигига боғлиқ. Мамлакатимизда ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва банклар фаолиятини тақомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида бугун шундай хизматларни тақдим этаётган молия муассасалари сафи тобора кенгаймоқда. Бошқача айтганда, мижозлар банкни ўзлари танлаш ёки пул маблағларини ўзлари истаган ҳолда тасарруф қилиш имконига эгаллиги, ўз навбатида, молия муассасалари хизматларидан фойдаланувчилар сонининг кескин ортишига сабаб бўлаётди.



Ишонч ва қафолат

банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамловчи омилдир

«Ипотека-банк» очик акциядорлик тижорат ипотека банкнинг Тошкент вилояти филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Жорий йилнинг биринчи чораги якуналарига кўра, мазкур филиалда жами депозитлар қолдиги 216 миллиард сўмни ташкил этиб, унинг 46,6 миллиард сўми аҳоли омонатлари хиссасига тўри келгани ана шундай савий ҳаракатлар самарасидир.

Филиал жамоаси тадбиркорларнинг ишлаб чиқариши кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги лойиҳаларини узулуксиз молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани, айниқса, ҳудудда қўллаб қорхоналарни ишга тушириш, замонавий хизмат турлари пайдо бўлишига замин яратаяпти.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан эса, 4 миллиард 135 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Ушбу маблағ қақатгина аҳоли бандлигини таъминлаб қолмай, балки уларнинг турмуш фаровонлигини оши-

ришга, зарар қўриб ишлаётган корхоналарнинг оёққа туриши ва янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Масалан, кейинги йилларда «Саноатқалинқозсавдо» очик акциядорлик жамияти молиявий жиҳатдан анчагина кийинчиликка дуч келаётган эди. Мазкур жамиятга филиал томонидан 500 миллион сўмлик кредит берилган, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, 40 та иш ўрни ташкил этилди.

«Охангарон роҳат гузари» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 300 миллион сўм миқдоридagi маблағ эса замонавий умумий овқатланиш шохобчаси барпо этилишига асос бўлди. Эндиликда ушбу мажмуада 20 киши иш билан банд. Бугунги кунда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда меҳнатини муносиб рағбатлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур йўналишдаги ишлар ҳам филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборида турибди. Уч ой давомида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 миллиард 88,6 миллион сўм, касб-хўнар коллежлари битирувчиларига 133,3 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Филиалда айна пайта «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига жиҳидий эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса аҳоли ишончини қозониб, мижозлар сафини кенгайтириш ва уларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини бундан-да ривожлантиришдан иборат.

Банк матбуот хизмати.

Ҳам дармон, ҳам даво

Юртимизда ўсадиган ўсимликлар шифобахшлиги, дармондориларга бойлиги билан ажралаб туради. Масалан, айна пайтада шапалоқдек бўлиб кўзни қувнатаётган тоқ барги кўллаб фойдаланиш хусусиятларига эга эканлигини ҳамма ҳам билмас керак.

Шифобахш неъматлар

Тадқиқотларга қараганда, у, ҳатто, шифобахшлиги бўйича узумдан устун туради. Шу боис қадим замонлардан бундан тоқнинг барра барглари бир қанча хасталикларнинг давоси сифатида тавсия этилган. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асаридида келтирилишича, тоқ барги кўз шомоллаши, меъда ва қулқ касалликларини даволашда ижобий натижа беради. Шунингдек, у парিশоҳтирлик ва хафакон хасталиқдан фориғ этиб, иштаҳани очади. Ҳозирги кунда замонавий тиббиётда тоқ баргидан оқилана фойдаланилаётгани

Тоқ барглари асосида дамлама чай тайёрлаб оғиз чайилса, бодом бези аллигиланишининг олди олинади, баъзи тери касалликлари ювиладиган бўлса, асоратсиз даво топади.

Баҳор фаслида ҳар бир ўзбек хонадонидида тоқоши ва тоқли дўлма тайёрланиши одат тусига кирган. Оила бекалари бу таомлардан ташқари, дастурхонга тоқ барглари асосида кўнгилоҷар салатлар тортиқ қилинса, уни истеъмол қилганларга хасталик актин йўлмайдди. Чунки тоқ барги таркибида киши ҳаёти ва фаолияти учун зарур гликозидлар, кварцетин, органик кислоталар, канд, инозид, аминокислоталар, холин, каротин, С ва Р витаминлари ҳамда бошқа микроэсулар мавжуд.

Эътиборлиси, тоқ барглари кўлма чоғида консервалаб қўйилса, уни йил давомида истеъмол қилиш мумкин.

Дано ХҲҲАЕБА,
олий тоифали доришунос.

«JIZZAX MULK MARKAZI» МЧЖ

бошлангч баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Боёвот тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 20 октябрдаги 12-1001/8205-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони, «Дони» фирмасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 06-55 CP, «Claas Dominator-130» русумли, таъмирталаб ҳолдаги комбайн қўйилмоқда.

Бошлангч баҳоси — 150 056 631 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 9 июль куни соат 18.00.

Ушбу комбайн билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш иш кунлари

соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан, мулк бошлангч баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Jizzax mulk markazi» МЧЖнинг ОАТИБ «Ипотека-банк»ни Жиззах вилояти филиалидаги қўйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000304946058001, МФО: 00122, СТИР: 302149531.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона.
Мурожаат учун телефонлар: (8-372) 222-35-77, (8-367) 226-28-94.
Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

«KOR-UNG INVESTMENT»

масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, «Оқ-олтин» ҚФЙ ҳудудидаги М-34 Тошкент — Душанбе ҳудудида автомобилларга сиқилган газ тўлдирish шохобчаси қуриш учун лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишга танлов эълон қилади.

Танловда шу соҳада тажрибаси ва лицензияси бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Таклифлар 2012 йил 15 июнча қабул қилинади.
Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бўхоро кўчаси, 6-уй.
Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-06-30, 150-06-34.
Факс: (8-371) 150-06-24.

Companies and enterprises!

JV «KOR-UNG INVESTMENT» LLC

announce the competitive selection of organizations and enterprise who has an appropriate license and experience in the design of the object «Compressed natural gas filling station (CNG) in Syrdarya region, Mirzaobod district, «Oq oltin» SIU area M-34 Tashkent-Dushanbe.

The proposals should be submitted until 15th of June 2012. By address Tashkent city, str. Bukhara # 6 Post code: 100047.

For additional information about the conditions of competition you can contact by phone: 150-06-30, 150-06-34, fax: 150-06-24.

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ТАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси тақририй экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синодан ўтган сифатли, эртагишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),
кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)
Аурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)
УРУҒЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

www.semeha.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, (8-371) 234-42-17. Факс: (99871) 234-62-45.

ОБ-ҲАВО (7 июнь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бўхоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида
+18 +23 +33 +38	+18 +23 +33 +38	+15 +20 +32 +37
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+18 +23 +33 +38	+15 +20 +30 +35	+17 +19 +32 +34

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси ЎЗР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими

Азим ҲОЖИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси масъули ходими

Саъдулло ҲИММАТОВ ва ўғли Абдулмажид ҲИММАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳачи — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.15 Топшириди — 21.15 1 2 3 4 5